



# "Нестле" компанияси таъминотчисининг кодекси

## Преамбула

Нестле нафақат юқори сифатли маҳсулотни етказиб беради, балки бу ҳаракатларни Компаниянинг хўжалик фаолиятида қўлланиладиган қонун ҳужжатларига тўла содиқлик руҳида, астойдил ва ҳалол тарзда амалга оширади. Истеъмомчиларимиз биз битимлар тузадиган барча тарафлардан, айниқса таъминотчиларимиздан, худди шундай хатти-ҳаракатни кутадилар. "Нестле" компаниясининг тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш корпоратив принциплари Нестле бутун дунёда амал қиладиган муайян қадриятлар ва принципларни тақозо қилади. Таъминотчи кодекси ("Кодекс") тадбиркорлик фаолиятини олиб боришнинг корпоратив принципларига оғишмай амал қилишни тақозо этади, бунда муайян минимал, бажарилиши шарт стандартлар жорий этилади (қуйида I – VII рақамлар билан келтирилган), шунда биз таъминотчиларимиздан, уларнинг ходимларидан, агент ва субпудрядчи ("Таъминотчи")лардан ушбу принципларни ўз хўжалик фаолиятида ҳурмат қилишни ва уларга риоя қилишни сўраймиз. Таъминотчининг масъулияти ўз ходимлари, агентлари ва субпудрядчиларига тегишли равишда кўрсатма беришдан иборат.

Ушбу Кодексни қабул қилар экан, Таъминотчи унинг Нестле билан барча мавжуд ва бўлажак битимлар ва тадбиркорлик алоқалари ушбу Кодексдаги қоидалар билан тартибга солиниши мажбуриятини ўз зиммисига олади.

I.

## Ишларни ҳалол олиб бориш

### Қўлланиладиган норматив ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш

Таъминотчи барча қўлланиладиган норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тадбиқ этиши шарт.

### Ноҳаққоний фойда

Таъминотчи ўз фаолиятида ҳеч вақт на бевосита, на ўртага одам қўйиб учинчи шахслардан, у хоҳ хусусий бўлсин, хоҳ давлат хизматчиси бўлсин, бирон бир тадбиркорлик ишни ёки бошқа бир фойдани олиш учун ёки сақлаб қолиш мақсадида шахсий ёки бошқа турдаги ноҳаққоний фойдани ваъда қилишга ҳақли эмас. Таъминотчи, шунингдек, бундай фойданинг ҳеч қандайни учинчи шахс томонидан имтиёзли муносабат эвазига олишга ҳақли эмас.

II.

## Барқарорлик ва ишончлилик

Нестле барқарор ва ишончли эксплуатацион ва қишлоқ хўжалик усул ва қишлоқ хўжулик ишлаб чиқариш системаларини қўллашни қўллаб-қувватлайди ва рағбатлантиради. Бу Нестленинг таъминот ва таъминотчилар базасини ривожлантиришга нисбатан бўлган стратегиясининг узвий қисмидир. Нестле Таъминотчисидан амалиёти самарадорлигини такомиллашга ва барқарорлигини оширишга бўлган мунтазам интилишни кутади, бунга сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш дасутлари ҳам киритилади.

### III.

## Меҳнат стандарти

### Маҳбуслар меҳнати ва мажбурлаган меҳнат

Таъминотчи ҳар қандай шароитда маҳбуслар меҳнатидан ёки бошқа бирон мажбурлаган меҳнатдан фойдаланмаслиги ёки бошқа йўл билан ундан фойда олмаслиги шарт. Худди шунингдек, контракт асосида хизмат қилувчилар ишчи кучидан фойдаланиш, ҳамда жисмоний жазони, озодликдан маҳрум қилишни, зўравонлик билан таҳдид қилиш ёки таъқиб ёки суиистеъмолнинг бошқа шакллари интизомий таъсир чоралари сифатида қўллаш тақиқланади. Таъминотчи ҳақ олмайдиган ишчилар ёки контракт асосида хизмат қилувчилар кучи билан иш бажаришга мажбурлаш қўлланиладиган фабрика ёки бошқа ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланмаслик мажбуриятини олади, ҳамда Таъминотчи мазкур усулларни қўллайдиган ёки шундай объектлардан фойдаланадиган субпудрядчилар билан битим тузмаслик мажбуриятини олади. Таъминотчи собиқ маҳбуслар меҳнатидан фойдаланиш расмий дастурлар доирасида ишчилар меҳнатидан фойдаланган тақдирда бундай келишувлар ушбу Кодексни бузиш деб ҳисобланмайди.

### Болалар меҳнати

Таъминотчининг болалар меҳнатидан фойдаланиши қатъиян ман этилади. Болалар меҳнати тушунчаси болалар учун ҳавфли ёки ақлий, жисмоний, ижтимоий, ахлоқий жиҳатдан зарарли ёки уларнинг таълим олиш эҳтиёжларига қабул қилиб бўлмайдиган тўсиқларни келтирадиган ишларга нисбатан қўлланилади.

### Иш вақти

Таъминотчи ишчилари ишланган соатлар ва кунлар миқдорини тартибга соладиган барча қўлланиладиган қонун ҳужжатлари ва соҳа мажбурий стандартларига мувофиқ равишда меҳнат қилишларини таъминлаши шарт. Қонун ҳужжати ва соҳа мажбурий стандарти орасида фарқ бўлган тақдирда Таъминотчи миллий қонун ҳужжатларига биноан устун кучга эга ҳужжатнинг қоидаларига риоя қилиши шарт.

### Компенсация

Таъминотчи ишчиларига қўлланиладиган қонун ҳужжатлари ва бажарилиши шарт бўлган жамоат шартномалари, жумладан иш вақтидан ташқари меҳнатга тегишлиларига мувофиқ иш ҳақи, нафақа ва имтиёзлар, шунингдек мукофот тақдирлаш берилиши лозим.

### Дискриминацияга йўл қўйиб бўлмаслик

Таъминотчи ишга олиш чоғида ва меҳнат вазифаларини бажариш пайтида ирқ, тана ранги, дин, жинс, ёш, жисмоний имкониятлар, миллат асосида ёки қонун ҳужжатларида тақиқланган бошқа асосда дискриминация қилишни тақиқловчи қўлланиладиган қонун ҳужжатларига мувофиқ сиёсатга амал қилиши шарт.

### IV.

## Ҳавфсизлик ва саломатлик

### Иш жойидаги шароит

Таъминотчи ишчиларга меҳнат ва (агар яшаш назарда тутилган бўлса) яшаш учун ҳавфсиз шароитларни таъминлайди. Энг камида ичимлик суви, тегишли санитария шароитлари, ёнғин ҳолатида чиқиш йўллари ва лозим ҳимоя воситалари, кечиктирилмайдиган тиббий ёрдам имконияти, лозим равишда ёритилган ва жиҳозланган иш жойлари таъминланиши лозим. Булардан ташқари, объектлар қўлланиладиган кодекс ва кўрсатмалар билан белгиланган тегишли стандартларга мувофиқ равишда қурилиши ва сақланиши керак.

## **Маҳсулотнинг сифати ва ҳавфсизлиги**

Таъминотчи етказиб берадиган барча маҳсулот ва хизматлар қўлланиладиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган сифат ва ҳавфсизлик стандартларига жавоб бериши шарт. Нестле билан ёки Нестле номидан ишлаш чоғида Таъминотчи Нестленинг сифатга қўйган талабларига риоя қилиши керак.

V.

## **Артоф муҳит**

Фаолиятини амалга оширишда Таъминотчи атроф муҳитга асраб-авайлаш муносабатда бўлиши керак ва маҳсулот ишлаб чиқариладиган ёки хизматлар кўрсатиладиган мамлакатнинг қўлланиладиган барча қонун ҳужжатлари ва қоидаларига риоя қилинишини таъминлаши шарт.

VI.

## **Таъминотчи фермерлар**

Таъминотчи фермерлар Кодексни тўлалигича ҳисобга олишларини, ундаги қоидалар, уларнинг маъноси ва агротехника усуллари учун аҳамиятини билишларини таъминлайди. Таъминотчи лозим бўлган мулоқот воситаларидан фойдаланади, маҳсулотни йиғиш ва қабул қилиш пункларидаги плакатлар шулар жумласидан бўлиши мумкин, ва, лозим бўлганида ўқиш ва тайёрлов курсларни ташкил қилади.

Кодекс Нестле агросервис хизматининг мутахассислари ўқув дастурларининг бир қисмини ташкил қилади. Нестле фермерлар билан бевосита иш алоқаларига киришганда, Нестле фермерлар Кодекс қоидаларини тушунишларини таъминлаш учун муқобил мулоқот воситаларидан фойдаланади.

VII.

## **Аудит ва етказиб бериш контрактини тугатиш**

Нестле Таъминотчи Кодексга риоя қилишини текшириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Агар Нестле Кодексга мувофиқ келмайдиган бирон бир ҳаракат ёки шароитлар тўғрисида хабар топса, Нестле камчиликларни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқини ўзида қолдиради. Нестле Кодексга риоя қилмаётган хоҳлаган Таъминотчи билан шартномани тугатиш ҳуқуқини ўзида қолдиради.